

Шовосил ЗИЁДОВ,
т.ф.н, катта илмий ходим
Имом Бухорий халқаро илмий
тадқиқот маркази директори

ЎЗБЕКИСТОНДА МОТУРИДИЙ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, Марказий Осиё давлатларида собиқ шўролар тузуми мафкурасига кўра ислом динига ҳамда улар қолдирган бой илмий-маънавий меросга муносабат бутунлай бошқача эди. Собиқ СССР даги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатағон қилинди. Минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксари ят кўпчилиги 1990-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан тўлиқ баҳраманд бўла олмаган эдилар.

Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож

топди. Оқибатда ислом илми соҳасида ҳамма нарсани билишини даъво қилувчи «чаламуллалар» сони ҳам кўпайиб кетди.

Мустақиллик йилларида диний таълим тизими мутлақ янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистонда дин соҳасида мутахассислар тайёрловчи кўплаб билим даргоҳлари ўз фаолиятини қайта тиклади ёки янгилари ташкил этилди. Чунончи, Тошкент шаҳридан ташқари, қатор вилоятларда ҳам ўрта-махсус таълим берувчи ислом билим юртлари ташкил этилди. Аввалига бу жараёнлар тартибсиз давом этди. Жойларда нафақат диний идорага қарашли, балки яқка тартибдаги мадрасалар сони ортиб борди. Бу жараёнлар асосан икки йўналишда кечди:

1. Илгари хонадонларда, турли хил яширинча жойлар (хужралар)да ноқонуний олиб борилган диний таълимни легитимлаштириш, яъни масжидлар ёки махсус биноларга кўчириш;

2. Хорижий мусулмон, жумладан араб мамлакатларидаги айрим ғаразли гуруҳларнинг диний таълим соҳасидаги тажрибасини Ўзбекистонга олиб кириш, натижада юртимизда ўз издошлари сонини кўпайтиришга уринишлар.

Ўзбекистон халқи етмиш йиллик бўшлиқдан сўнг диний маърифатга чанқоқлиги, диний билимларни ўзлаштиришга бўлган интилиши

кучли экани яққол намоён бўлар эди. Натижада республика ҳудудида фаолият олиб бораётган диний таълим муассасаларининг сони 100дан ортиб кетди. Ўз навбатида уларни 3 тоифага ажратиш мумкин эди:

1. Диний идора тасарруфида бўлган, ҳозирда ҳам расман фаолият юритаётган диний билим юртлари. Тошкент ислом институти ва 10 та, жумладан 2 та аёл-қизлар мадрасаси.

2. Диний идора тасарруфида бўлган, ўқув шароитлари ва савияси талаб даражасида бўлмагани сабабли 1998 йилда фаолияти тугатилган мадрасалар.

3. Диний идора тасарруфида бўлмаган, якка тартибда очилган, ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳолда фаолият олиб борган ҳамда 1998 йилда Адлия вазирлигида расмий рўйхатдан ўтмагани сабабли фаолияти тугатилган мадрасалар.

Ўзбекистон мустақилликга эришгандан сўнг ўз миллий-диний қадриятларни тикланиши ва узоқ ўтмишда яшаб ўзларининг сермахсул ижодлари билан ислом динининг турли соҳаларига бағишлаб кўплаб асарлар ёзиб қолдирган алломаларнинг ҳаётлари ва бой илмий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Миллий тикланиш жуда кенг, чуқур мураккаб тарихий жараён бўлиб, у миллат ҳаётининг ҳамма соҳаларини: иқтисодиётни ҳам, сиёсий фаолиятни ҳам маънавиятни ҳам, илм фан, тил, тарих, урф-одатлар, ҳунармандчилик, меъморчиликни ҳам, инсон камолоти билан бевосита дахлдор барча масалалар ҳам ўз ичига қамраб олади.

Миллий тикланиш узоқ давом этадиган, кўп йилларни ўз ичига қамраб оладиган мураккаб жараёндир. Бу йўналишдаги энг муҳим босқич – инсон омилига ва унинг маънавий қадриятларга бўлган ижобий муносабатлардир. Табиийки, тадқиқотларда уларнинг тарихига мурожаат этиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бой миллий қадриятларимизнинг тарихини ўрганмай туриб, уларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва келажаги ҳақида фикр юритиш қийиндир. Бинобарин, йирик мутафаккирлар ҳаёти ва уларнинг бой маънавий меросларини ўрганиб тадқиқ қилиш бу республикада кенг қулоч ёзмақда.

Чунончи, бу тарздаги тадқиқотлар бир томондан жамият учун муҳим бўлган маънавий комил инсонларни тарбиялаш, қолаверса уларда соғлом диний тафаккурни шакллантиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Аммо ислом динининг энг муҳим, айна вақтда нозик масалаларидан бири бўлмиш ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илмининг юзага келиши ва унинг таракқиёт босқичлари, шунингдек, Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мутакаллимларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганишда ҳали етарли даражада тадқиқотлар амалга оширилган, деб айтолмаймиз. Бу эса, диний-ақидавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожланишида, шубҳасиз буюк мутакаллим Абу Мансур ал-Мотурийдиннинг (в. 333/944 й.) ўрни ниҳоятда катта бўлган. У яшаган даврга келиб (IX асрнинг охири - X асрнинг биринчи ярми) ислом динида пайдо бўла бошлаган турли гуруҳ ва фирқаларнинг сони кўпайиб кетган эди. Бу ҳол имон-этиқод масалаларида кўплаб ихтилофларни келтириб чиқарди. Шундай гуруҳлардан бири му‘тазилийлар бўлиб, улар ақидавий масалаларни шарҳлашда нақлий далиллардан (Қур’он ва ҳадис) ақлий далилларни устун қўяр эдилар. Натижада салаф ҳамда аҳли ҳадис уламолари орасида калом илмига нисбатан танқидий фикрлар пайдо бўла бошлади. Мана шундай мураккаб шароитда улуғ мутакаллим Абу Мансур ал-Мотуридий етишиб чикди ва вужудга келган муаммоли вазиятни илмий асосда баргараф этишда ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Шу тариқа Мотуридий ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанафанинг (80-150/699-767 й.) таълимотига суянган ҳолда ўзига хос калом мактабини яратди. Лекин Мотуридий вафотидан кейин Мовароуннаҳрда мазкур мактабнинг мавқеи маълум даражада сусая бошлади. Шунинг учун Мотурийдан кейин Мовароуннаҳрда унинг таълимотини тўғри талқин қилиб кенг тарғиб қиладиган ҳамда асоссиз фикр ва танқидлардан уни ҳимоя қила оладиган бир гуруҳ олимлар зарурати сезила бошлаган эди.

Гап шундаки, исломга янги ўтган минтакаларда яъни Мовароуннаҳрда турли илоҳиёт борасида масалалар вужудга келдики бу

жуда кескин тус олди. Чунки мазкур ҳудуддаги турк ёки суғд ислом аҳкомлари ва талабларига жавоб беришга таёр эмас эди. Бу эса, охир оқибатда бир қатор исёнларга ҳам олиб келди. Буларнинг барчаси Мовароуннаҳрда келгусида мустақил илоҳиёт анъаналари вужудга келиши учун етарли замин тайёрладик, натижада нисбатан кўп сонли диний муҳит юзага келди.

Мана шундай шароитда унинг таълимоти билан батафсил танишиб, бу таълимотнинг мазмун-моҳиятини теран англаган издошилари, насафийлар сулоласидан ва бошқа сулолалардан етишиб чиққан йирик мутакаллим Абу-л-Йусур ал-Паздавий (ваф. 1099 й.), Абу-л-Му'ин ан-Насафий (ваф. 1114 й.), Ас-Сафар ал-Бухорий (ваф. 1134 й.), Абу Хафс ан-Насафий (ваф. 1142 й.), Али ибн 'Усмон ал-Оши (ваф. 1173 й.), Ас-Сабун ал-Бухори (ваф. 1184 й.), Умар ал-Ханафий (ваф. 1200 й.) лар Имом Мотуридий таълимотини давом эттириб уни янада ривожлантиришди.

Мовароуннаҳр калом мактабини шаклланишида ва тараққий эттиришда Самарқанд илмий муҳитини ҳам алоҳида ўрни бордир. Ушбу калом мактабининг тараққийётини уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

1) Ал-Мотуридийгача бўлган даври (IX).

2) Ал-Мотуридий ва унинг сафдошлари даври (X).

3) Қайта тикланиш даври (XI-XII).

Шу вақтга бажарилган илмий тадқиқотларда мусулмон дунёсида Абу Ҳанифадан то Абу Мансур ал-Мотуридийгача бўлган ханафийларнинг илоҳий қарашларидаги тадрижий тараққиёти “Тавҳид” асосида ёритиб берилган. Айтиш жоизки бу тадқиқотлар Ўрта Осиёда калом муаммоларни чуқур ўрганишнинг янги истикболларга йўл очиб берди. Лекин шуни айтиб ўтиш жоизки, ал-Мотуридий таълимотининг юзага келишига туртки бўлган Самарқанд диний муҳити тилга олинмаган. Шунингдек Самарқанддаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида муҳим маълумотлар бера оладиган муҳим манбалар тадқиқотга жалб этилмаган. Ал-Мотуридий ва ундан кейинги даврига хос бўлган тарихий манбаларни ўз тадқиқотимизга жалб этдик¹. Улар қаторига Абу Хафс

ан-Насафий (ваф. 537/1142 й.) нинг “*Китоб ал-қанд фи зикри ‘уламо’ Самарқанд*”, Абу Тоҳирхожанинг “*Самарийа*”, ‘Али ибн Йаҳйо аз-Зандавсатининг “*Китоб раудат ал-‘уламо’*”, Ма’мун ал-Кашшийнинг “*Маджму’ ал-хаводис ва-н-навозил*” (Туркия нусхаси), ас-Саффор ал-Бухорийнинг “*Рисола фиқҳ масо’ул су’ила ‘анхо аш-шайх ас-Саффор фа-аджоба ‘анхо*” (Франция нусхаси) каби асарлари олимлар эътиборидан тамомила четда қолган. Ушбу масалаларни эътиборга олган ҳолда биз ўз тадқиқотимизда юқорида кўрсатилган манбаларни истефода этдик.

Европа ва Туркия олимлари² томонидан калом илми тарихига оид кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, Марказий Осиёда ҳудудида ушбу соҳа бўйича ҳали етарли ишлар амалга оширилгани йўқ эди. Биринчидан 2000 йилда олмон шарқшуноси Ульрих Рудольфнинг Абу Мансур ал-Мотуридий илмий меросига оид тадқиқоти рус ва ўзбек тилига таржима қилингани³ ушбу соҳада ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фаолияти ривожига туртки бўлган бўлса, иккинчидан 2000 йилда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланиши унга бўлган қизиқишни янада оширди. Унга қадар Ўзбекистонда мадраса мударислари, мадрасаларда таҳсил олган катта уламолар, ҳатто масжид имомлари Мотуридий шахси ҳақида бирон бир маълумотга эга эмас эканликлари билиниб қолди. Лекин шуни алоҳида таъкид-

² Brockelmann K. Geschichte der arabischen Litteratur: T. I-II. – Weimar-Berlin: 1898. Madelung W. The Spread of Māturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971. – Б. 109-168; Madelung W. Abu l-Mu‘in al-Nasafi and Ash‘ari Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan’s Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000. – Б. 318-330. Gutz M. Māturidī und sein Kitāb Ta‘wīlāt al-Qur‘ān // Der Islam. – 1965. – № 41. – 79 б. Schacht J. An Early Murci‘ite Treatise: The Kitāb al-‘Ālim wa-l-muta‘llim // Oriens. – 1964. – № 17. – Б. 96-117. Gimaret D. Théories de l’acte humain en théologie musulmane. – Paris: 1980. – 263 б. Gardet L. Introduction a la théologie musulmane. – Paris: 1970. – 132 б. Bilhan S. Les juristes hanafites de l’Asie centrale a l’époque des Qarahnides. – Paris: 1973. – 68 б. Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d’al-Āsh‘arī et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965. – 632 б.

³ Rudolph U. Al-Māturidī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Köln: Brill, 1997.

¹ Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вклот» асари: Тар. ф. ном. дис. – Т.: ЎзФА ШИ, 2003.

лаб ўтиш даркорки улар Мотуридия эътиқоди-ни “Имом Аъзам эътиқоди” ёки “аҳли сунна вал жамоъа эътиқоди” сифатида билар эди-лар.

Ўтган етти-саккиз йил ичида калом илми тарихи, хусусан, мотуридийа таълимоти-га бағишлаб Ўзбекистонда А.К. Мўминов⁴, Ш.Ю. Зиёдов⁵, С.С. Оқилов⁶, И. Даминов⁷ то-монидан ва бошқа бир қатор олимлар томони-дан тадқиқотлар яратилди.

Лекин ҳозирги маҳаллий аҳолининг ислом динига қайта бошлаган даврда (reislamization) имон, эътиқод тушунчаларида бир қанча му-аммо ва ихтилофлар пайдо бўла бошлади. Чунки Европа шарқшунослари ушбу соҳани гуманитар фан сифатида ўргансалар, маҳаллий тадқиқотчилар олдида икки томонлама муам-мо пайдо бўла бошлади. Маҳаллий тадқиқот-чилар калом илмининг Мовароуннаҳрда пайдо бўлиши, унинг хусусиятлари ва ушбу таъли-мот вакиллари (мутакаллимлар) илмий меро-сини ўрганиш орқали олган натижаларни ҳа-ётга тадбиқ қилишлари долзарб вазифалардан-дир. Чунки, ҳозирги стратегик мураккаб давр-да эътиқод эркинлигига қайтган оддий аҳоли у ёқда турсин, диний уламолар, имомларнинг ҳам калом соҳасидаги билим савиялари ниҳо-ятда паст даражада. Чунки, калом илми тарихи ва унинг Мовароуннаҳрда ривожланиш тарихи ҳақида нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда (собик СССР ҳудудида) яқингача умуман тадқиқот ишлари олиб борилмаган эди. Ҳатто, Совет Иттифоқи ҳудудидаги диний мад-расаларда ҳам ақида, калом дарслари асосан Абу Ҳанифа (80-150/699-767 й.) нинг “ал-Фикҳ

ал-акбар” ва Абу Ҳафсан-Насафий (ваф. 1142 й.) нинг “Ақоид ан-Насафий” асарларининг шарҳлари асосида ўтилар эди. Ҳозирги пайтда ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги диний мадраса-ларда “ақоид” (калом) фанидан дарс беришда юқоридаги манбаларга суяниб қолинган.

Тошкент ислом университетида бир неча йилдан бери “Малака ошириш ва кадрлар-ни қайта тайёрлаш” факультетида маҳаллий имом-хатибларга ва диний мадраса мударрис-ларига “Мотуридийа калом мактаби тарихи” фанидан лекция ўқитилади. Ўз шахсий тажри-бамдан, шундай ҳулосага келдимки, юқорида-ги шахсаларнинг (маҳаллий имом-хатиблар) аксарияти ҳатто Абу Мансур ал-Мотуридий, Абул Ҳасан ал-Ашърий ва уларнинг мактаб-лари ҳақида умуман тасаввурга эга эмаслар. Улар калом, “ақида” илми деганда фақат тор доирада (Аллоҳнинг зоти ва сифатлари, қазо ва қадар каби масалалар) маълумотга эгалар. Чунки улар ақида (калом) деганда “ал-Фикҳ ал-акбар”даги тор доирадаги мавзулар билан чекланиб қолишган. Шу нуқтаи назардан “Китоб ат-тавҳид” асари орқали мотури-дийа таълимотида билиш назарияси (гносе-ология), оламнинг яратилиши, нубувват каби илмлар ҳақида маълумотларни олиш мум-кин. У. Рудольф ҳам Мовароуннаҳрдаги илк ҳанафий-илоҳиётчиларига нисбатан “Китоб ат-тавҳид”да ушбу мавзулар кенг берилгани-ни таъкидлаб ўтган⁸.

Глобал коммуникациялар кучайган мазкур шароитларда ноисломий давлатлар билан бир пайтни ўзида ўзаро муносабатларда уламолар-нинг олдида ҳам жуда катта муаммолар туғдир-моқда ва вазифалар очмоқда. Яъни Марказий Осиё давлатларида қайта исломлашув жараё-ни (re-islamization) сир эмаски, бу жараён жа-миятга, давлатга, қолаверса мусулмонларнинг ўзига ҳам катта муаммолар туғдирди. Асосий муаммо шундан иборатки, исломлашув кўп ҳолларда консерватив шаклларда кечмоқда. Чунки динга қайтиш дегани динни тўғри ту-шуниш дегани эмасдир. “Янги мусулмонлар-нинг” экстремистик руҳдаги эътиқодлари на-фақат дунёвийлик, балки соф ислом (“аҳли сунна вал жамоъа”) эътиқод принципларига ҳам тескаридир. Бу ерда энг аввало муаммо

⁴ Муминов. А. Роль и место ханафитских ‘уламā’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв.): Дис. док. ист. наук. - Т.: Каб. Мин. Р. Ўз. ТИУ, 2003.

⁵ Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вклот» асари: Тар. ф. ном. дис. – Т.: ЎзФА ШИ, 2003.

⁶ Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий ва унинг мотури-дия таълимоти ривожига кўшган ҳиссаси (“Табсират ал-адилла” асари асосида): Тар. ф. ном. дис. – Т.: Тош-кент ислом университети, 2005.

⁷ Даминов И. “Абу-Л-Муин Насафий илмий меросининг Мовароуннаҳр калом таълимоти ривожига аҳамия-ти” мавзусидаги 24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳи-ёт ихтисослиги бўйича тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., Ўзбекистон халқаро ислом академи-яси 2019.

⁸ Rudolph U. Al-Māturīdī und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Köln: Brill, 1997.

баъзи ақидавий масалалар (“имон”, “муъмин ва кофир”, “охират” “тавҳид”, “қазо ва қадар”, “манзила аҳлил кабаир фил ахира”) билан боғлиқдир.

Бу ҳолатлар яқин ўтмишда қандай муаммолар туғдирганини кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида келтириб ўтсак, “*Ҳақиқий ислом*” ёки “*Соф ислом*” концепцияси атрофидаги тортишув ва қарама қаршилиқлар бир неча асрлардан то ҳозирги кунимизга қадар мавжуд.

Маҳаллий уламолар орасида ҳам калом илмига муносабат турли экани бу таълимот ўлкада тўлиқ ўрганилмаганини асослаб турибди.

Мазкур кўринишга “*Қайта қуриш*” даври ва Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаги “*Аҳли райъ*” ва “*Аҳли ҳадис*”, “*аҳли Қур’он*” сифатида Муҳаммадҷон Хиндистоний домла (1892-1989) ва шогирдлари бўлмиш Абдували қори (туғ. 1950 й.) ёки Раҳматулло аллома (1950-1981) ўртасидаги баҳсларни кўришимиз мумкин⁹. Шу билан бирга мустақилликдан сўнг юзага келган “*Ақромийлар*” ва “*Маърифатчилар*” гуруҳларини кўришимиз мумкин.

Ўлкада янги пайдо бўлган “*салафинлар*” Саудия Арабистонилик уламолардан¹⁰ таъсирланиб раъй, ақлий далилга қарши чиқиб калом илмини инкор этмоқдалар. Натижада диний уламолар орасида ҳам ушбу соҳада турли ихтилофлар пайдо бўлмоқда. Бу муаммоларнинг барчаси мотуридия таълимотининг ўлкада умуман ўрганилмаганидан далолат беради.

Буларнинг барчаси юқоридаги концепция атрофида баҳс юритишади. Маълумки, бирор воқеълик моҳиятини англаш учун олдинги тарихий ҳолатга мурожаат этиш лозим. Шу орқали унинг тулароқ мазмунини англаш мумкин.

Мотуридия ақидаси ўзининг рационалистик қарашлари билан (*иқрорун бил лисан ва тасдиқун бил қалб*) ҳозирги даврда диний бағрикенглик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эгадир. Инсоннинг комил мусулмон бўлиши ва охиратдаги роҳати учун ўрта асрлардаги ғо-

ялар (*жиҳод, исломий тузум, халифалик*) шарт қилинмаслигини ушбу таълимот орқали кўрсатиб бериш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур соҳани чуқур ўрганилиши Марказий Осиё мамлакатларида демократик-хуқуқий конституцион давлат барпо этиш жараёнида, айниқса ундаги истикомат қилувчи халқиларга ислом динининг асл моҳиятини тўғри етказишда ҳам аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунингдек, ҳозирги кунда мазкур ҳудудда пайдо бўлган «*Ҳизбу-т-таҳрир*», «*Ақромийлар*» каби ақидавий нотўғри эътиқодда бўлган гуруҳларнинг ғояларини фош қилишда ва шу ерда яшовчи халқларни бундай экстремистик оқимлардан огоҳ бўлишга чақиради.

Ислом университети очилиши билан унда исломшуносликка оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширила бошланди. Айниқса ҳанафий мазҳаб намоёнлари ва эътиқодда мотуридийа калом мактаби вакиллари ҳаёти ва ижоди асарларини ўрганиш кенг қулоқ ёза бошлади. Булар қаторига бир қатор докторлик ва номзодлик диссертацияларини, монография ва рисоаларни, илмий ва оммабоп мақолаларни киритиш мумкин:

Докторлик ва номзодлик диссертациялари:

Бу ўринда биринчи навбатда исломшуносолим Аширбек Мўминов ҳиссаси катта бўлиб, бу йўналишдаги ишларни танлашда ва ўрганишда унинг кўрсатмалари муҳим аҳамият касб этди. Қатор тадқиқотларга йўл бошчилик қилган бу олимнинг биринчи навбатда номзодлик диссертацияси кейинчалик эса “*Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар (2003 йил))*”¹¹ номланган докторлик иши кўп тадқиқотчилар учун асосий манба ёки бошқа қилиб айтганда энциклопедия сифатида хизмат қилиб келяпти.

Ҳозирда Халқаро ислом академияси Марказий Осиёда ҳанафий мазҳаб таълимотини ўрганувчи асосий марказ даражасига кўтарилиб борапти. Мотуридий ва унинг мактаби намоёндалари борасидаги қатор тадқиқотлар унинг

⁹ Бу ҳақида қаранг: Disputes on Muslim Authority in Central Asia (20th Century): Critical Editions and Source Studies. Edited by Bakhtiyar M. Babajanov, Ashirbek K. Muminov, Anke von Kügelgen. Almaty: Daik-Press, 2007.

¹⁰ Аҳмад ибн Авдуллоҳ ибн Доҳил ал-Лаҳибий ал-Ҳазбий. Ал-Мотуридийа: диросатан ва тақвиман. - Ар-Рийоъ: Дору-л-Асима, 1992.

¹¹ Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тар. фан. док. дис... автореф. - Т.: ТИУ, 2003.

бевосита ва бил восита Мўминов шогирдлари томонидан амалга оширилиб келмоқда. Мотуридий борасидаги дастлабки академик (фундментал) тадқиқот ушбу мақола муаллифи томонидан оширилган бўлиб, у “Абу Мансур ал-Мотуридий *ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вклот»* асари. (2003 й.)¹² деб номланган номзодлик диссертациясидир. Шу билан бир қатор мотуридий таълимоти борасида бир қатор мақолалар ҳам нашр эдимки, буларнинг ҳаммаси озми кўпи юртимизда Мотуридийнинг таълимотини танилишига сабаб бўлди¹³.

Мотуридий калом мактаби намоёндалари билан бир қаторда Ҳанафий мазҳаб уламоларининг ҳам илмий меросларини, яъни калом, фикҳ, тафсир ва ҳадис илмларига оид асарларнинг ўрганиш ҳам кенг кулоч ёймоқда.

1) Музаффар Комилов. “*Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожда ‘Ало’ ад-дин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти*”¹⁴ номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2000). Комилов бу

¹² Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий *ёзма мероси ва унинг «Китаб ат-та’вклот»* асари: Тар. ф. ном. дис... автореф. – Т.: ЎзФА ШИ, 2003. – 21 б.

¹³ Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг «Таъвилот аҳл ас-сунна» асари ҳақида янги маълумотлар // Шарқшунослик. – 1999. – № 9. – Б. 66-73; Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Т.: А. Қодирӣ, 2000. – 27 б. ва бошқалар. Бу ҳақида аввалиги тадқиқотимизда батафсил тўхталиб ўтганмиз қаранг: Ebû Mansûr el- Mâturîdî’iy nispet edilen eserlerin Taşkent yazmaları ve Mâturîdî üzerine yapılan bazı araştırmalar // İmam Mâturîdî ve Maturidilik/ Tarihi Arka Plan, Hayati, Eserleri, Fikirleri ve Maturidilik Mezhebi. Naz. Sönmez Kutlu. Ankara 2003. – s. 271-281.

Шундан сўнг яна бир неча мақолалар нашр бўлдики буларни ҳам эсалаб ўтишни лозим топдик:

Несколько слов о списках произведения ошского ученого XII века Сириджд ад-дина ‘Али б. ‘Усман ал-Уши, хранящихся в Ташкенте// Вестник Ошского Государственного Университета. Специальный выпуск. Ислам в Центральной Азии. Материалы международной научной конференции посвященному году «Социальной мобилизации и добросовестного управления» и 10 летю теологического факультета. – Ош. – 2004. – стр. 229-230; Зиёдов Ш. Абу Ҳафс ан-Насафий ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фондидаги асарлари ва унинг «‘Ако’ид ан-Насафий» асари. Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик таваллудига бағишланган халқаро-илмий конференция материаллари. Тошкент-Қарши. Фан. 2006. - Б. 221-226; Абу Мансур ал-Мотуридий // Жаннат Макон. – август. 2007. – Т.: – Б. 26-30.

¹⁴ Комилов М. Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожда Алоуддин ас-Самарқандийнинг ўрни ва «Тухфат ал-фуқаҳо» асарининг аҳамияти: тарих фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: Тошкент ислом университети, 2000. – 26 б.

мавзу бўйича бир қатор мақолалар ва битта монография мултифидир. Лекин ханузгача ‘Ало’ ад-дин ас-Самарқандийнинг мотуридий таълимотига оид муҳим манба ҳисобланган “*Шарҳ та’вилот аҳл ас-сунна*” асари нашрга таёрланмагандир.

2) Дурбек Раҳимджанов “*VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари асосида)*”¹⁵ номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2003). Раҳмижонов ҳам бир қатор мақолалар муаллифидир. Бизга маълумки Абу Ҳафс ан-Насафий ўзидан бой мерос қолдирган бўлиб, унинг кўпгина асарлари ҳали нашр этилмагандир.

Биринчидан, Абу Ҳафс ан-Насафийнинг тафсир илми оид «*ат-Тайсир фи-т-тафсир*» деб номланган асари мавжуд бўлиб ханузгача нашр этилмаган. Ушбу асарда ан-Насафий устоз (яъни ал-Мотуридий) фикрларидан иқтибос олганини кўриш мумкин. ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фондида бу асарнинг 8 та нусхаси сақланади¹⁶.

Иккинчидан, Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлғзма фондида № 1462 рақами остида сақланаётган Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «*Матла’ ан-нуҷум ва мажма’ ал-улум*» қомусий асарин ҳам алоҳида эслаб ўтишимиз даркор¹⁷.

¹⁵ Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ Самарқанд» асари асосида): тарих фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 26 б.

¹⁶ ЎзР ФА ШИ қўлғзмалар фонди: №№ 7124, 4789, 11922, 3150, 3231, 3164, 5265.

¹⁷ Асарнинг умумий тавсифи тўғрисида қаранг: Булгаков П.Г. Неизвестный энциклопедический труд XII века // Общественные науки в Узбекистане 1976. № 11, стр. 57-61; Шу қўлғзма ҳақида Ўз Таг муҳбири А. Баранов “Ўзбекистон маданияти” газетасининг 1976 йил 3 декабр сониди хабар ҳам берган; Булгаков П. Г. Формуляры некоторых документов по частному праву из энциклопедии ан-Насафи//Материалы по истории науки и культуры народов Средней Азии. – Ташкент. – Фан. – 1991. – с. 67-79;

Шунингдек ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими Муҳаммадаминов С. «Матла ан-нуҷум мажма’ ал-‘улум» асарининг таркибий тузилмаси// Академик Убайдулла Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. Тошкент – 2004. Б. 11-12.; Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Матла’ ан-нуҷум» асаридаги фикҳ ва ҳадисга оид мавзулар// Имом ал-Бухорий сабоклари №

3) Сайидмухтор Оқилов. “Абул Му’ин ан-Насафий ва унинг мотуридийи таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсират ал-а-дилла” асари асосида)”¹⁸ номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2005). Оқилов ўз диссертацияси доирасида бир қатор мақола-ларни нашрга тёрлаган. Ҳозирда у шу илмий ишни монография сифатида нашрга таёрла-моқда. Ҳамда Тошкент Ислом Университетида калом фанидан дарс бериб келади.

4) Зафар Нажимдинов. “Абу Зайд ад-Да-бусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни” номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2007)¹⁹.

5) Абдурашид Абдуллаев «Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсируносл-лигида тутган ўрни» номли номзодлик дис-сертацияни ҳимоя қилган (2007)²⁰.

6) Даврон Мақсудов “Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни” номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2008)²¹.

7) Дониёр Муратов “Абдуллоҳ ас-Субаз-мунининг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба” номли номзодлик диссертацияни ҳимоя қилган (2008)²².

8) Даминов Иргаш “Абу-Л-Муин Насафий илмий меросининг Мовароуннаҳр калом таъ-лимоти ривожига аҳамияти” номли номзод-лик диссертацияни ҳимоя қилган (2019)²³

4 2005. Б. 190-191 каби мақолаларда маълумот берган.

¹⁸ Оқилов С. Абул Му’ин ан-Насафий ва унинг мотури-дия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсират ал-а-дилла” асари асосида): тарих фанлари номзодлик диссертацияси автореферати. – Т.: Тошкент ислом уни-верситети, 2005. – 28 б.

¹⁹ Нажимдинов Зафар. “Абу Зайд ад-Дабусий мероси-нинг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни”: Тар. ф. ном. дис. – Т.: Тошкент ислом универси-тети, 2007. – 26 б.

²⁰ Абдуллаев Абдурашид «Абу Лайс Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсирунослигида тутган ўрни» : Тар. ф. ном. дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 28 б.

²¹ Мақсудов Даврон “Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни”: Тар. ф. ном. дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 26 б.

²² Муратов Дониёр “Абдуллоҳ ас-Субазмунининг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба» : Тар. ф. ном. дис. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. – 30 б.

²³ Даминов Иргаш “Абу-Л-Муин Насафий илмий меро-сининг Мовароуннаҳр калом таълимоти ривожига аҳамияти” мавзусидаги 24.00.03 – Фикҳ, калом илми. Илоҳиёт ихтисослиги бўйича тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун

Бу юқорида тилга олинган мавзулар яку-ланган бўлиб, мазкур йўналишда ҳали давом этаётган ва якунланиш арафасида турган мав-зулар қуйидагилар тадқиқотларни киритиш мумкин, Иёдийлар оиласининг калом илмига қўшган ҳиссасини Нозим Маматохунов ўрган-моқда²⁴.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбеки-стон халқаро ислом академияси ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида қатор илмий ишлар амалга ошираётган бўлиб, улар қаторида магистрант ва баклаврларни илмий малакавий ишларини ҳам бор. Булар мотури-дийлик каломига оид мавзулар бўлиб, уларга илмий ишларини тугатган профессор ва ўқи-тувчилар бошчилик қилмоқдалар²⁵.

Монография ва рисоалар:

Шу соҳада илмий академик тадқиотлар бир қотрда илмий-оммабоп мақола ва китоб-лар нашрга таёрланмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари муфтийси Усмонхон Алимов. IX-XI асрларда Самарқанд-да калом илмининг ривожланиши²⁶ нашрга та-ёрланди (2008).

ёзилган диссертацияси. Халқаро ислом академияси 2019.

²⁴ Мўминов А., Маматохунов Н. Икки муҳим матн // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 4 (2003), б. 192-193.; Маматохунов Н. Иёдийлар оиласининг калом илмига қўшган ҳиссаси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 4 (2003), б. 190-191.

²⁵ Тошкент Ислом Университетида: Сиддиков Салоҳид-дин “Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асарида фирқа ва оқимларга қариши раддия бериш услуби”; Рухсора Рўзиева. “ Фахр ал-ислом ал-Паздавийнинг “Усул” асари XI асрга оид фикҳий манба”; Соатмурот Примов. Абу Шакур ас-Солими-нинг “ат-Тамҳид фи баяни-т-тавҳид” асари мотуридия таълимоти бўйича муҳим манба; Абдулатиф Аллоку-лов. Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг ‘Ақо’ид ан-На-сафий асари ва унга ёзилган шарҳлар таҳлили”. Одил ...Абу Мансур ал Мотуридийнинг тафсир қилиш ус-луби («Та’вилотул-Қур’он» асосида). Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида: Лола Эргашева. “Моваро-уннаҳрда ҳанафийлик мазҳаб ривож ва унда ал-Моту-ридий мактабининг ўрни”. Моҳғул Аслахўжаева. “Мо-вароуннаҳр диёрида мотуридийи калом таълимотида билиш ва борлиқ масаласини ўрни”

²⁶ Усмонхон Алимов. IX-XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” давлат илмий нашриёти “Movarounnahr” нашриёти. Тошкент – 2008. 192 бет.

Сўнгги йилларда шарқшунос олим яқинда Убайдулла Уватов ҳам калом илмига, хусусан Мотуридий ҳамда Абул Му'ин ан-Насафий ижодига оид бир қанча мақола ва рисоалар нашрдан чиқарган: Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. (2000); Абул Му'ин ан-Насафий ҳаёти ва мероси (2003)²⁷.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бу борада қатор рисоалар чоп эттирган улардан “Сунний ақидалар”, “Дин насиҳатдир”, “Ихтилофлар ҳақида” эътироф этиш лозимдир. Б. Бобожонов, А. Мўминов, А. Фон Кюгельген « 20 асрда Марказий Осиёда катта эътиборга эга бўлган мусулмон уламоларининг баҳслари» (2007) каби тадқиқотларни айтиб ўтиш мумкин²⁸.

Таржималар:

Бир қатор калом илмига оид рисоалар таржима қилинмоқда.

Улардан: Мирза Кенжабек – Муҳаммад Зоҳид Бурсавийнинг “Аҳли сунна ва ал-жамоъа Ақоиди” (1998, 1-жилд, 1999, 2-жилд)²⁹, Шайх Аҳмад Кумушхонавийнинг “Жомий ул-мутун” таржималари.

Абдулазиз Мансурнинг “Ақоид матинлар” асарида ақидага оид бир қатор асарлар жам бўлган (“Фикҳ ул-акбар, ‘ақо’ид ан-Насафий ва бошқалар). Шу муаллиф томонидан бир неча йил илгари “ ‘Ақо’ид Таҳовий таржимасини” таёрлаган эди. Унда муаллиф асосан “Шарҳ ‘ақо’ид Таҳовий” дан фойдаланган.

Аҳмаджон Бобомурод “Тавҳид”, “Соф исломий ақида” деб номланган рисолада бир қатор ақидавий асарлардан олган маълумотлар асосида ёзган.

Шайх Назруллоҳхон Эшон Ғарбийнинг (1908-1986) “Қасида-и амолий” (шарҳи ва тавҳид манзумаси) 2008 йил нашр бўлди³⁰. Бу асар ‘Али ибн Усмон Ўшийнинг “Амолий”

номи билан машҳур бўлган қасидасига ёзиган шарҳнинг биридир³¹. Дўстмуҳаммад Насриддин нашрга таёрлаган “Ақоид” рисоласи ҳам чоп этилган.

Бу каби китобларни нашр этилиши ўзбек китобхоналарини эътиқод жиҳатдан озми кўпми тарбиялашда самарали таъсир кўрсатди.

Илмий мақола ва оммабоп мақолалар:

Ўзбекистондаги бир қатор илмий ва оммабоп журнал ҳамда тўпламларда Мотуридий таълимоти ва унга бевоста боғлиқ мақолалар ҳам нашр этиб келинмоқда. Бу борада “Имом Бухорий сабоқлари” номидаги журнал пешқадамлардан ҳисобланади. Унинг 2003 йил биринчи сониди Мўминов А, Анке фон Кюгельген. X аср Самарқанд илоҳиётчилари³² номли мақоласи Ҳ. Ҳомидий. Мотуридий ҳикматлари³³, С. Оқиловнинг “Табсирату-л-адила”нинг қўлёзма нусхалари³⁴ ҳақида маълумотлар олиш мумкин. 2004 йил Туркиялик олим Шукур Ўзаннинг “Имом Абу Мансур ал-Мотуридий – фақиҳ” номли мақоласи араб тилидан таржима қилиниб журналнинг икки сониди нашр бўлди³⁵. Яна Ш.Сирождидиновнинг “Мотуридий таълимотида ваҳдоният масаласи”³⁶ (2006), “Калом илми тарихидан”³⁷ (2006) Н. Маматохунов “Абу Бакр ал-Иёдийнинг калом илми

³¹ Несколько слов о списках произведения ошского ученого XII века Сириджд ад-дина ‘Али б. ‘Усман ал-Уши, хранящихся в Ташкенте // Вестник Ошского Государственного Университета. Специальный выпуск. Ислам в Центральной Азии. Материалы международной научной конференции посвященному году «Социальной мобилизации и добросовестного управления» и 10 летю геологического факультета. – Ош. – 2004. – стр. 229-230.

³² Мўминов А, Анке фон Кюгельген X аср Самарқанд илоҳиётчилари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 1 Тошкент. 2003. - 15-19 б.

³³ Ҳомидий Ҳ. Мотуридий ҳикматлари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 1. Тошкент, 2003, - 20 б.

³⁴ Оқилов С. “Табсирату-л-адила”нинг қўлёзма нусхалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 1. Тошкент, 2003, - 21-22 б.

³⁵ Шукур Ўзан. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий – фақиҳ // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 1. Тошкент, 2004, - 11-16 б; № 2. 92-97 б.

³⁶ Сирождидинов Ш. Мотуридий таълимотида ваҳдоният масаласи // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 3. Тошкент, 2006, - 179-182 б.

³⁷ Сирождидинов Ш. Калом илми тарихидан // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 2. Тошкент, 2006, - 92-96 б.

²⁷ Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. - Т.: Фан, 2000; Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий ҳаёти ва мероси. - Т.: Маънавият, 2003

²⁸ Б. Бобожонов, А. Мўминов, А. Фон Кюгельген. Диспуты мусульманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке. Алматы «Дайк-Пресс» 2007.

²⁹ Бурсавий Муҳаммад Зоҳид Кутку ибн Иброҳим. Аҳли сунна ва ал-жамоъа Ақоиди / тарж. М. Кенжабек. Т.: Шарқ, 1998. – 144 б. 1 жилд 2 жилди 1999 й. (Мовароуннахр нашриёти).

³⁰ Шайх Назруллоҳхон Эшон (Ғарбий). “Қасида-и амолий” (шарҳи ва тавҳид манзумаси). Тошкент. – 2008.

ривождаги ўрни³⁸ (2006), Муҳаммадйусуф Хушвақтов. “Китобу-т-тавҳид”нинг нашрлари хусусида³⁹ (2007), А. Ташанов “Фахрулислам Паздавий Самарқанд суннийлик илоҳиётининг йирик вақли сифатида”⁴⁰ (2008) каби мақолалар ўрин олган.

Халқаро ислом академияси “Ахборотнома”-сида ҳам Мотуридий илмий мероси кенг ёритилиб борилади. И. Даминов “Имом ал-Мотуридий мактабининг йирик намоёндаси”⁴¹ номли мақоласида Абул Му‘ин ан-Насафий мероси ёритилган, Б. Раҳимов. “Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли ас-сунна” тафсирида закот масаласи” номидаги мақолада таъвилдаги закот масаласини ўрганиб чиққан⁴². Кўриб ўтилган мақолаларни кўриб чиқадиган бўлсак буларнинг барчаси озми кўпми мотуридий таъмотини ёритишга қаратилган бўлиб, уларни мазмун моҳияти йилдан йилга ўзгариб бормоқдадир. Уларнинг айримлари таълимот вакиллари ҳақида юзаки маълумотлар бўлса, баъзилари маълум бир масалага чуқур кириши билан харкательланади. Шунга қарамасдан уларни мотуридий таъмотини ҳали тадқиқ этилмаган жиқатлари борлиги ҳақида маълумот бериши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак дастлаб бу жараён Ҳанафий мазҳабини шу ҳудуддаги урф-одатлар билан ҳисоблашганлигида намоён бўлди. Кейинчалик эса Мовароуннаҳрда исломгача бўлган ўзга динлардаги илоҳиёт масалалари Мотуридия калом таълимотларда ҳам инобатга олинганларни кўриш мумкин. Яна шуни айтиш мумкинки ал-Мотуридийга қадар

ҳам ушбу ҳудудда илоҳиёт масалалари мавжуд бўлган ва шубҳасиз Абу Мансур унинг маҳсулидир.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўпгина асарлари исломий одоб қоидалар, шариат қонунлар, маънавий-ахлоқий камолат сирларидан таълим беради. Унинг асарлари нисбатан кам бўлишига қарамай, ўша замонда муҳим аҳамият касб этганлиги табиийдир. Уларнинг айримлари ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Муаммолар биринчи ўринда манбаларнинг етишмаслиги, иккинчи муаммо ўқув қўлланмаларни етишмаслигидир. Яъни ислом институтида ва диний таълим соҳасида. Ҳанузгача Мотуридийнинг бизга маълум бўлган икки асарининг ўзбекча нашр йўқ. Бу кўриб чиқилган тадқиқотлар ўз мавзулари билан мотуридий калом мактаби таъмотини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади ва бу борадаги тақиқотларга бўлган қизиқишни йилдан йилга ошиб бораётганидан далолат беради. Бунинг натижасида Ўзбекистонлик ўқувчилар, дин соҳа вакиллар бу соҳа боҳабар бўлишлари мумкин бўлади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги «*Мир Араб олий мадрасаси*», «*Мир Араб мадрасаси*», Тошкентдаги «*Қўқалдош*», Қорақалпоғистондаги «*Муҳаммад Беруний*», Намангандаги «*Мулла Қирғиз*», Хоразмдаги «*Фахриддин ар-Розий*», Андижондаги «*Саййид Муҳйиддин Маҳдум*», Қашқадарёдаги «*Хожа Бухорий*», Тошкентдаги «*Хадичаи Кубро*» ва Бухородаги «*Жўйбори Калон*» хотин-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлари ва Самарқандда «*Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази*», «*Ҳадис олий мактаби*» яхлит диний таълим тизими яратилиб унда мотуридий таъмоти асосида ўқиш жорий этилган. Ушбу билим юртлари кутубхоналарда диний китоб фонди жуда оз сонни ташкил этади. Бу борада билим юртига ҳомийлар ва эҳсонлардан тушадиган маблағлар ҳисобига бадий китоблар харид қилиш зарурлиги тавсия қилинди.

³⁸ Н. Маматоҳунов “Абу Бакр ал-Иёдийнинг калом илми ривождаги ўрни // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №3. Тошкент, 2006, - 183-187 б.

³⁹ Муҳаммадйусуф Хушвақтов. “Китобу-т-тавҳид”нинг нашрлари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №2. Тошкент, 2007, - 131-133 б.

⁴⁰ А. Ташанов “Фахрулислам Паздавий Самарқанд суннийлик илоҳиётининг йирик вақли сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №1. Тошкент, 2008, - 71-72 б.

⁴¹ Даминов И. Имом ал-Мотуридий мактабининг йирик намоёндаси // ТИУ. Илмий таҳлилий ахборот. № 4. Тошкент. 2003. - 54-57 б.

⁴² Б. Раҳимов. “Абу Мансур ал-Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли ас-сунна” тафсирида закот масаласи” // ТИУ. Илмий таҳлилий ахборот. № 4. Тошкент. 2008. - 37-40 б.